



**USAID**  
FROM THE AMERICAN PEOPLE




O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY SUDI



**50**  
YEARS

*Empowered lives. Resilient nations.*

# ВОЯГА ЕТМАГАН БОЛАЛАРНИНГ ТАЪМИНОТ ОЛИШ ҲУҚУҚИ



Мамлакатимизда оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш давлат ва жамият ҳаётининг муҳим масалаларидан биридир. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 63, 64-моддаларига кўра, “Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга. Ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар”.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Конституция қабул қилинганлигининг 16 йиллигига бағишлиланган тантанали маросимда таъкидлаганидек, “биз ўз олдимиизга қўйилган эзгу орзу-ниятларимизга етмоқчи, мамлакатимиз тараққиётини жадал ривожлантироқчи бўлсак, Ватанимизнинг халқаро майдондаги ўрни ва нуфузини янада ошироқчи, жондан азиз фарзандларимизнинг баҳту камолини кўрмоқчи бўлсак, бунинг асосий шарти ва омили фақат битта — ҳаётга кириб бораётган ёш авлодни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, унинг олдида кенг йўл очиб бериш, бунинг учун барча имкониятларимизни сафарбар этишдан иборат”.

Юртимизда 2016 йилнинг “Соғлом она ва соғлом бола йили” деб эълон қилинганлиги ҳамда “Соғлом она ва соғлом бола йили” Давлат дастурининг тасдиқланиши фарзандларимизнинг замон талаблари асосида камол топиши, оила таянчи ҳисобланган оналарга бўлган эътибор, хурмат ва эҳтиромнинг янада ошиши, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш механизми такомиллаштирилиши учун кенгимкониятлар яратмоқда.

Мазкур нашрда вояга етмаган болаларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим омили сифатида ота-онадан таъминот (алимент) олиш бўйича зарур маълумотлар, тушунтиришлар ва тавсиялар берилган бўлиб, мақсад кенг жамоатчиликнинг вояга етмаган болаларнинг моддий таъминот олиш ҳуқуқи бўйича ҳуқуқий билимларини оширишга қаратилган.

- © Ўзбекистон Республикаси Олий суди, 2016  
© АҚШ Халқаро Таракқиёт Агентлиги (USAID), 2016  
© БМТ Таракқиёт Дастурнинг Агентлиги “Ўзбекистонда қонун устуворлиги йўлида ҳамкорлик” қўшма лойиҳаси, 2016  
© BAKTRIA PRESS, 2016



**ВОЯГА ЕТМАГАН  
БОЛАЛАРНИНГ ТАЪМИНОТ  
ОЛИШ ҲУҚУҚИ**

## **Вояга етмаган болаларнинг таъминот олиш ҳуқуқи**

Мамлакатимизда ёш авлодни жисмонан соғлом ва маънавий жиҳатдан баркамол инсон қилиб вояга етказиш давлатимиз сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишларидан бирига айланган. 2016 йилнинг Ўзбекистон Республикасида “Соғлом она ва соғлом бола йили” деб эълон қилинганини оналик ва болаликнинг ҳуқуқий ҳимояси учун катта имконият яратди.

Маълумки, халқаро ҳамжамият томонидан болалар ҳуқуқларининг ҳимоясини таъминлаш, жумладан, уларнинг таъминот олиш ҳуқуқини тартибга солиш мақсадида маҳсус механизмлар жорий этилди. Шу жумладан, 1989 йил 20 ноябрда БМТ Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган ҳамда Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги халқаро Конвенциянинг 26, 27-моддаларида боланинг вояга етиши ва ривожланиши учун зарур бўлган турмуш шароритини таъминлашда ота-онанинг бош жавобгарлиги белгилаб берилди.

Қайд этилган халқаро ҳуқуқий нормалар миллий қонунчилигимида ҳам акс этган. Хусусан, 1998 йил 1 сентябрдан амалга киритилган Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси оилани мустаҳкамлаш ва вояга етмаган болалар манфаатларини қўриқлашнинг устунлиги тамойилини назарда тутади ва бошқа хил оилавий муноса-батлар қатори алимент ундириш масаласини ҳам тартибга солади ва болаларга таъминот беришда ота-онанинг мажбуриятлари тенглигини белгилаб беради.

Алимент ундириш билан боғлиқ мурожаатларнинг тўғри ва ўз вақтида ҳал этилиши нафақат болалар ҳуқуқларининг муҳофазасини, балки ота-оналарнинг болалар тарбияси билан боғлиқ масъулиятини оширишни ҳам таъминлашга туртки бўлади. Шу сабабли вояга етмаган болаларга алимент таъминотини ундириш зарурати туғилганда, энг аввало, мазкур масала қонун ҳужжатлари билан қандай тартибга солинганини билиш керак.

Алимент ундириш ота-она учун маъқул бўлиши ёки бўлмаслигидан қатъий назар болаларнинг керакли тарбия ва таъминот олишлари, соғлом улғайишлари учун зарур чора-тадбирлардан бири ҳисобланади. Шунинг учун ушбу масалага дуч келган ота-она вояга етмаган боланинг ҳуқуқ ва манфаатларини унинг таъминоти орқали ҳимоя қилиш лозимлиги тўғрисида хабардор бўлишлари шарт.



Ота-она ажрашишган ёки алоҳида яшаётган тақдирда боланинг моддий таъминоти қандай амалга оширилади?

Вояга етмаган болаларнинг алимент таъминоти деганда нима тушунилади?

Алимент келишуви нима ва у қандай амалга оширилади?

Алимент тўланмаганида қандай чоралар кўрилади?

Алимент миқдори қандай аниқланади?

Алимент ўз вақтида тўланмаганлик учун қандай жавобгарлик назарда тутилган?

Шу каби бошқа саволлар алимент ундириш масаласи билан дуч келган аксарият фуқароларда пайдо бўлиши табиий. Бироқ малакали ҳуқуқий маслаҳат олиш имконияти ҳаммада бир хил эмас. Ҳуқуқий соҳадаги билимнинг етишмаслиги ота-она учун фарзандининг ҳуқуқ ва манфаатларини етарли даражада ҳимоя қила олишига салбий таъсир кўрсатади. Шунинг учун қуйида фуқаролар орасида тез-тез учраб турадиган шу каби саволларга жавоб беришга ҳаракат қиласиз.

## Вояга етмаган болаларнинг алимент таъминоти деганда нима тушунилади?

Оила кодексига мувофиқ ота-она вояга етмаган болаларига таъминот беришлари шарт. Вояга етмаган болаларига алимент тўлаш ва уларга таъминот беришда ота-онанинг мажбуриятлари тенгдир, алимент тўлови ота-онанинг бири томонидан иккинчисига, яъни вояга етмаган бола тарбияси билан шуғулланаётган ота ёки онага берилади. (ОК 96, 97-моддалари).

**ЁДДА ТУТИНГ:** Алимент ундиришнинг иккита йўли мавжуд - ота-она ўртасида алимент келишуви тузиш орқали **ихтиёрий тўлаш**, суд буйруғи ёхуд суднинг ҳал қилув қарори асосида **мажбурий ундириш**.

## Алимент тўловларини ихтиёрий тўлаш деганда нима тушунилади?

Ота-она вояга етмаган болаларига таъминот бериш учун алимент миқдорини, шаклини ва тўлаш тартибини белгиловчи алимент тўлаш тўғрисидаги нотариал тасдиқланган келишувни тузишга ҳақлидир. Мазкур ўзаро келишув қонунда белгиланган қоидаларга ва боланинг манфаатларига зид бўлмаслиги керак (ОК 98-моддаси). Ўзаро келишув алимент таъминоти масаласини ҳал қилишнинг нафақат энг тинч, балки энг тежамли йўлидир. Келишувни тузиш жараёнида давлат нотариуси мазкур келишув биринчи навбатда вояга етмаган бола манфаатларини таъминлашга қаратилганлигини инобатга олиши шарт.

Ушбу ҳужжат ёзма шаклда тузилиб, ота-она томонидан имзоланиб, давлат нотариуси томонидан тасдиқланиши лозим. Ўзаро келишув эр-хотин, собиқ эр-хотин, ҳамда никоҳи расмийлаштирилмаган, умумий фарзандлари мавжуд шахслар тузилиши мумкин.

Фақат туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномада ота-она сифатида кўрсатилган шахсларгина келишув томонлари бўла олишлари мумкин.

Нотариал тасдиқланаётган алимент келишуви бўйича тўланадиган давлат божининг миқдори амалдаги қонун ҳужжатларига кўра келишув суммасининг 1%ини ташкил этади. Шу билан бирга алимент келишувини тузишда давлат нотариусининг техник хизматларига оид харажатлар ҳам тўланиши керак

Алимент тўлаш тўғрисидаги келишув тарафларнинг ўзаро розилиги билан исталган вақтда ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин. (ОК 132-моддаси).

**ЁДДА ТУТИНГ:** Нотариал тартибда тасдиқланган алимент тўлаш тўғрисидаги келишув ижро ва рақасига тенглаштирилади (ОК 130-131 моддалари) ва агар келишув шартлари бажарилмаган тақдирда, уни мажбурий ижро этиш учун туман суд ижрочилари бўлинмасига мурожаат қилиниши мумкин.

**Мисол:** Э.Убаева ва А.Аскеровлар 2009 йил 20 майда қонуний никоҳдан ўтишган, ўртада иккита фарзандлари бор. Ўзаро муносабатлар ёмонлашиб, 2013 йилда улар никоҳдан ажрашишган. Болалар она тарбиясида қолиб, ота-она алимент тўғрисида келишув тузишган. Унга кўра, А.Аскеров ҳар ойда Э.Убаева фойдасига 500 000 сўм миқдорида таъминот тўлаш мажбуриятини олган. Шундай бўлсада, А.Аскеров ўз мажбуриятларини бажармасдан, алимент тўловини бир неча ойлар давомида амалга оширмаган. Ўз ўрнида Э.Убаеванинг тегишли суд ижрочилари бўлинмасига мурожаати қаноатлантирилиб, тузилган келишувга биноан алимент мажбурий тартибда ундирилган.



Агар вояга етмаган болаларига таъминот бериш ҳақида ота-она ўртасида келишув бўлмаса, ота ёки она алимент ундириш мақсадида судга мурожаат қилиши мумкин. Оила кодексига биноан вояга етмаган болаларига таъминот бериш мажбуриятини ихтиёрий равишда бажармаган ота (она)дан **суд буйруғи** ёки **суднинг ҳал қилув** қарорига асосан алимент ундирилади (ОК 96-моддаси).

**Мисол:** В.Икрамова ва А.Собиров 2000 йил 20 майда қонуний никоҳдан ўтишган ва ўртада учта фарзандлари бўлган. 2011 йилда В.Икрамова ва А.Собиров ажрашишган ва учта фарзанд В.Икрамованинг тарбиясида қолган. А.Собиров бир йил давомида фарзандларига моддий ёрдам кўрсатиб, ундан сўнг ёрдамни тўхтатган.

В.Икрамова ҳеч қаерда ишламасдан, болалар тарбияси билан машғул бўлган. Шунинг учун у 2013 йил 1 августдан бошлаб фарзандларнинг таъминотига то улар вояга етгунига қадар қонунда белгиланган алиментни ундириш бўйича суд буйруғини чиқариш тўғрисидаги ариза билан судга мурожаат қилган.

Суд Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 96-моддасига биноан В.Икрамованинг талабини қаноатлантириб, унинг фойдасига 2013 йил 1 августдан то фарзандлари вояга етгунларига қадар А.Собировнинг ҳар ойлик иш ҳақи ва жами даромадининг иккidan бир қисми миқдорида алимент ундириш тўғрисида суд буйруғи чиқарган.

## Вояга етмаган болаларга алимент түловлари қандай миқдорда белгиланади?

Оила кодексига ассоан алимент ота-онанинг ҳар ойдаги иш ҳақи ва (ёки) бошқа даромадидан бир бола учун — түртдан бир қисми, иккى бола учун — учдан бир қисми, уч ва ундан ортиқ бола учун — ярми миқдорида ундирилади.

Бу түловларнинг миқдори тарафларнинг моддий ёки оиласвий аҳволини ва бошқа эътиборга лойик ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда суд томонидан камайтирилиши ёки кўпайтирилиши мумкин (ОК 105-моддаси).

Ҳар бир бола учун ундириладиган алимент миқдори қонун ҳужжатлари билан белгиланган энг кам иш ҳақининг учдан бир қисмидан кам бўлмаслиги керак. (ОК 99-моддаси).

Таъкидлаш жоизки, алимент тўлаши шарт бўлган ота-онанинг иш ҳақи ва (ёки) бошқа даромади доимо бир хилда бўлмай, ўзгариб турса ёхуд даромадининг бир қисмини натура тарзида оладиган бўлса, шунингдек даромаддан улуш тарзида алимент ундириш имконияти бўлмаса ёинки ота-она расман белгиланган иш ҳақи ёки даромадга эга бўлмаса, вояга етмаган болаларнинг таъминоти учун тўланиши лозим бўлган алимент миқдори ҳар ойда пул билан тўланадиган қатъий суммада белгиланиши мумкин. (ОК 102-моддаси).



**Мисол:** И.Иванова ва А.Хегай 2005 йилдан бошлаб 2014 йилгача оиласвий муносабатларда бўлиб, 2010 йилда улар ўртасида фарзанд туғилган. Оталик ФХДЁ идорасида белгиланган. 2014 йилдан бошлаб ота-она алоҳида яшаб келмоқда, фарзанд эса она тарбиясида.

2014 йилдан бошлаб А.Хегайдан ҳеч қандай моддий ёрдам кўрсатилмаётганлиги сабабли И.Иванова фарзандининг таъминотига алимент ундиришни сўраб судга мурожаат қилган.

Судда А.Хегай боласининг таъминоти учун алимент тўлашга қарши эмаслигини, лекин ҳеч қаерда расман ишламаслигини таъкидлаган.

Суд жавобгарнинг бугунги кунда ҳеч қаерда ишламаслигини инобатга олган ҳолда И.Иванованинг талабидан келиб чиқиб, жавобгар А.Хегайдан фарзандитаъминотига то у вояга етгунга қадар ҳар ойда 300 000 минг сўм миқдорида алимент ундиришни белгилаган.

**ЁДДА ТУТИНГ:** Алимент олиш ҳуқуқига эга бўлган шахс, алимент талаб қилиш ҳуқуқи вужудга келганидан сўнг қанча муддат ўтганидан қатъи назар, хоҳлаган вақтда алимент ундириш тўғрисидаги талаб билан судга мурожаат қилишга ҳақлидир (ОҚ, 136-моддаси).

**Мисол:** Ота-она бола уч ёшга тўлганида ажрашишган. Сўнг бир йил мобайнида ота болага моддий ёрдам кўрсатиб турган. Лекин бундан кейин моддий ёрдам кўрсатишдан бош тортган. Бундай ҳолатда она моддий ёрдамни тиклаш мақсадида дарҳол судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Бундан ташқари, она вояга етмаган боласи беш ёшга, ўн ёшга ёки ўн беш ёшга тўлганида алимент ундириш мақсадида судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

Лекин ўтган давр учун алимент судга мурожаат этилган пайтдан бошлаб уч йил давомида ундириб олиниши мумкин.

### Алимент ундириш масаласи суд тартибида қандай ҳал қилинади?

Агар судга мурожаат қилишга қарор қилсангиз, у ҳолда алимент ундириш тўғрисида суд буйругини чиқариш тўғрисидаги ариза ёки даъво ариза билан мурожаат қилишингиз мумкин.



#### Буйруқ тартиби:

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида, хусусан, амалдаги ФПКнинг 20<sup>1</sup>-бобида низосиз бўлган талабларни тарафларнинг чақирависиз ҳамда суд муҳокамасини ўтказмасдан кўриб чиқиш тартиби, яъни судловнинг соддалаштирилган тартиби белгиланган.

**ЁДДА ТУТИНГ:** Суд буйруғини чиқариш тұғрисидаги ариза судга Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яшаётган қарздорға нисбатан топширилады. Агар қарздор суд буйруғини чиқариш тұғрисидаги ариза топширилаётган пайтда чет давлатда яшаётган бўлса, ундирувчи судга даъво аризаси билан мурожаат қилиши лозим бўлади.

Бундай ҳолда республикамиздаги төгиишли суд талабни қаноатлантира, алоҳида процессуал ҳаракатни бажариш тұғрисидаги топшириқ билан чет давлат судига мурожаат қилиши мумкин.

Яъни, фуқаро алимент ундириш ҳақида суд буйруғини чиқариш тұғрисидаги ариза билан судга мурожаат қилса, ариза суд мажлисида кўрилмасдан, судья томонидан уч кун ичидаги суд буйруғи чиқарилади.

Бундай ҳолатда алимент тўловлари судга мурожаат қилинган кундан бошлаб белгиланади. Жумладан, агар алимент ундириш ҳақида суд буйруғини чиқариш тұғрисидаги ариза судга 2015 йил 1 март куни топширилган бўлса, алимент тўлови айнан шу кундан белгиланади.

**ЁДДА ТУТИНГ:** Ўзаро никоҳ мавжуд бўлган ҳамда вояга етмаган болаша нисбатан оталик белгиланган тақдирда суд буйруғи чиқарилади. Ўзаро никоҳда бўлмаган ота-онадан бола туғилган тақдирда, ота-онанинг биргаликдаги аризаси ёки бола отасининг аризаси бўлмаса, оталик суд тартибида белгиланиши мумкин (ОК 62-моддаси). Бундай ҳолда судга оталикни белгилаш ва алимент ундириш тұғрисида даъво аризаси билан мурожаат қилиш лозим бўлади.

## Суд буйруғини чиқариш тұғрисидаги ариза билан судга қандай мурожаат қилиш мумкин?

Энг аввало, ундирувчи суд буйруғи чиқариш тұғрисидаги аризани ёзиши керак. Унда қуйидаги маълумотлар кўрсатилиши шарт:



- 1) ариза берилаётган суднинг номи;
- 2) ундирувчининг номи (фамилияси, исми ва отасининг исми) ҳамда унинг яшаш жойи;
- 3) қарздорнинг номи (фамилияси, исми ва отасининг исми) ҳамда унинг яшаш жойи;
- 4) ундирувчининг талаби ва талабга асос бўлган ҳолатлар;
- 5) арз қилинган талабни тасдиқловчи, илова этилаётган ҳужжатлар рўйхати (ФПК 238<sup>3</sup>-моддаси).

Алимент ундириш бўйича суд буйруғини чиқариш тұғрисидаги аризанинг намунаси Ўзбекистон Республикаси Олий суди расмий вебсайтининг, Суд ҳужжатлари намуналари бўлимида жойлашган.

Суд буйруғини чиқариш тұғрисидаги аризани қарздорнинг ёки ундирувчининг яшаш жойидаги фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судига топшириш мумкин. Аризани судга топширишда давлат божи тўланмайди.

## Суд буйруғи чиқарилгандан кейинги ҳаракатлар нималардан иборат?

Суд буйруғи чиқарилганидан кейин судья суд буйруғини дарҳол қарздорга жўнатади. Карздор эса олган суд буйруғига қарши ўз эътирозини 10 кун ичида суд буйруғини чиқарган судга юборишга ҳақли (ФПК 238<sup>9</sup>- моддаси).

Агар қарздор чиқарилган суд буйруғига нисбатан белгиланган муддат ичида ўз эътирозини билдиримаса, судья суднинг муҳри билан тасдиқланган суд буйруғини ижро этишга тақдим қилиш учун ундирувчига беради. Ундирувчи олган суд буйруғини қарздор яшаш жойидаги суд ижрочиларга топшириши керак (ФПК 238<sup>11</sup>- моддаси).

Ундирувчининг илтимосига кўра суд буйруғи ижро этиш учун суд ижро-чиларига бевосита суд томонидан юборилиши ҳам мумкин.

### Даъво тартиби:

Қарздор чиқарилган суд буйруғига ўз эътирозини билдириса (суд буйруғи бекор қилинган бўлса), унда алимент таъминотини ўтган (уч йилдан кўп бўлмаган) давр учун ундириш истаги мавжуд бўлса ёки оталикни белгилаш лозим бўлса судга **алимент ундириш тўғрисидаги даъво аризаси** топширилади.

**ЁДДА ТУТИНГ:** Агар алимент таъминоти ўтган давр учун ундирилмоқчи бўлса, бу ҳолда судга даъво аризаси билан мурожаат қилиш керак.

**Мисол:** Н.Сайфуллина ва А.Сайфуллин 2007 йил 10 февралда қонуний никоҳдан ўтишган, ўртада иккита фарзандлари бўлган. 2012 йилда А.Сайфуллин оиласини ташлаб кетган ва фарзандлар А.Сайфуллинанинг тарбиясида қолган. Шу вақтдан бошлаб А.Сайфуллин фарзандларига ҳеч қандай моддий ёрдам кўрсатмаган.

Н.Сайфуллина 2012 йил сентябрдан бошлаб фарзандларининг таъминотига то улар вояга етгунига қадар қонунда белгиланган алиментни ундиришни сўраб 2015 йилда даъво аризаси билан судга мурожаат қилган.

Судга мурожаат қилингунга қадар Н.Сайфуллина томонидан болапар учун отасидан таъминот олиш чоралари кўрилганлиги, аммо таъминот бериб туриши шарт бўлган А.Сайфуллин ўз оталик бурчини бажармаганлиги оқибатида алимент опинмаганлиги суд томонидан аниқланиб, Оипа кодексининг 136-моддасига биноан, Н.Сайфуллинанинг талаби қаноатлантирилган, вояга етмаган болалар таъминотига 2012 йил сентябрдан бошлаб то улар вояга етгунига қадар А.Сайфуллиннинг ҳар ойлик иш ҳаки ва жами даромадининг учдан бир қисми микдорида алимент ундирилган.

**ЁДДА ТУТИНГ:** Оталикни белгипаш зарурати бўлган ҳолда, яъни туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномада оталик ҳақида маълумотлар кўрсатилмаган тақдирда, оталикни белгилаш ФХДЁ органлари томонидан оталик тан олинган тақдирда ота-онанинг биргаликдаги аризасига кўра, оталик тан олинмаган тақдирида эса, суд томонидан онанинг оталикни белгилаш тўғрисидаги даъво аризасига кўра амалга оширилади (ОК 62-моддаси).

**Мисол:** Г.Вахобова ва С.Кенжаев 2012 йилдан 2014 йилгача амапда оиласий муносабатларда бўлиб, 2014 йилда фарзандли бўшишган. Шундан сўнг улар ўртасидаги муносабатлар бузилиб, Г.Вахобова ота-онасининг уйига қайтиб борган.


Туғилган фарзандининг отаси белгиланмаганини учун Г.Вахобова 2014 йил 20 июнда оталикни белгилаш ва алимент ундириш тўғрисидаги даъво аризаси билан судга мурожаат қилган. Суд мажлисида С.Кенжаев оталикни тан олган, лекин қонуний хотини ва фарзанди борлиги учун алимент тўловларини амалга ошира олмаслигини таъкидлаган.

Суд Оила кодексининг 96-моддасига биноан Г.Вахобованинг талабини қаноатлантириб, вояга етмаган болага нисбатан С.Кенжаевнинг оталигини белгилаб, 2014 йил 20 июндан бошлаб фарзандига то у вояга етгунига қадар онаси Г.Вахобова фойдасига ҳар ойлик иш ҳаки ва жами даромадининг тўртдан бир қисми микдорида алимент ундирган.

Вояга етмаган болаларга алимент ундириши бўйича даъво аризасида қуйидаги маълумотлар ёзилиши шарт (ФПК 149-150-моддалари):

- 1) ариза берилаётган суднинг номи;
- 2) даъвогарнинг номи (фамилияси, исми ва отасининг исми) ҳамда унинг яшаш жойи;
- 3) жавобгарнинг номи (фамилияси, исми ва отасининг исми) ҳамда унинг яшаш жойи;
- 4) даъвогарнинг талаби;
- 5) арз қилинган талабни тасдиқловчи, илова этилаётган хужжатлар рўйхати;
- 6) талабга асос бўлган ҳолатлар. Бу ерда даъвогарнинг талабларига ўзининг талабларига асос қилиб кўрсатилаётган ҳолатлар ва бу ҳолатларни тасдиқлайдиган далиллар деганда вояга етмаган боланинг фамилияси, исми ва отасининг исми, туғилган санаси ҳамда у ким билан яшаши ва жавобгар томонидан вояга етмаган боланинг таъминотига қайси пайтдан маблағ тўланмаётганлиги каби маълумотлар кўрсатилиши керак.

Алимент ундириш бўйича даъво аризасининг намунаси Ўзбекистон Республикаси Олий суди расмий веб-сайтининг “Суд ҳужжатлари намуналари” бўлимида жойлашган.



Даъво аризаси билан бирга судга қуйидаги ҳужжатлар ҳам топширилиши тавсия этилади:



- даъвогарнинг у доимий ёки вақтинчалик рўйхатдан ўтганлигининг белгиси қўйилган паспорти нусхаси (рўйхатда турган манзилда яшамаган тақдирда, фуқароларнинг ўзўзини бошқариш органидан берилган унинг амалда яшаш жойи тўғрисидаги маълумотнома);
- жавобгарнинг у доимий ёки вақтинчалик рўйхатдан ўтганлигининг белгиси қўйилган паспорти нусхаси (рўйхатда турган манзилда яшамаган тақдирда фуқароларнинг ўзўзини бошқариш органидан берилган унинг амалда яшаш жойи тўғрисидаги маълумотнома, паспорт нусхаси бўлмаган тақдирда, манзил маълумотномаси);
- никоҳ гувоҳномаси нусхаси (никоҳ рўйхатдан ўtkазилган бўлса);
- боланинг туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномаси (болалар сонига қараб) нусхаси;
- даъвогарнинг судга мурожаат қилишидан олдин алиментларни ундириш бўйича қилинган чора-тадбирларини тасдиқловчи ҳужжатлар нусхалари (алимент таъминотини ўтган давр учун ундиримоқчи бўлса);
- даъво аризаси нусхаси.

**ЁДДА ТУТИНГ:** Боланинг ота-онаси ўртасида никоҳ рўйхатдан ўтказилмаган тақдирда, даъво аризасида амалда оиласвий муносабатлар тўғрисида маълумотлар берилади (бирга яшаш даври, яшаш жойи ва ҳ.к.)

**ЁДДА ТУТИНГ:** Даъво ариза Фуқаролик процессуал кодекси талабларига мувофиқ ҳолда расмийлаштирилган ҳамда тавсия этилган барча ҳужжатлар унга илова қилиниб, талаблар Оила кодексининг аниқ моддалари билан асослантирилиши керак. Чунки у Фуқаролик процессуал кодекси талабларига (149-150-моддалари) риоя қилинмай берилса, судья аризани қабул қилишни рад этиши (152-модда) ёки ҳаракатсиз қолдириши (154-моддаси) мумкин.

Даъво аризасини ҳамда унга илова этилаётган ҳужжатларни даъвогар ўз яшаш жойидаги ёки жавобгарнинг яшаш жойидаги фуқаролик ишлари бўйича судга топшириши мумкин. Бундай аризани топширишда давлат божи тўланмайди.

Даъво аризаси суд томонидан қабул қилинганидан сўнг судья уни ҳамда унга илова қилинган ҳужжатларни кўриб чиқиб, суд мажлиси кунини ва вақтини белгилайди. Низо ҳал этилгунга қадар судья жавобгардан белгилangan миқдорда вақтинча алимент ундириш тўғрисида ажрим чиқариши мумкин.

Суд мажлиси тамом бўлганидан сўнг судья иш бўйича мазмунан ҳал қилув қарори чиқаради. Мазкур ҳал қилув қарори дарҳол ижро этилиши шарт.

Агар жавобгар доимий яшаш жойини ўзгартириб, чет давлатга чиқиб кетса, унда суд ўз қарорини ижро этиш учун чет давлат судига суд қарорини ижро этиш учун алоҳида топшириқ юбориши мумкин (ФПК 390-моддаси).

### Алимент қандай даромадлардан ушлаб қолинади?

Ўзбекистон Республикаси худудида ва унинг ташқарисида пул ёки натура тарзида олинган барча турдаги даромадлар ҳамда чет эл валютасида олинадиган даромадлар алимент ундириладиган кунда амалда бўлган Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг расмий курси бўйича сўмда ҳисобланади (ФПК 104-моддаси).

### Алимент тўлашдан бош тортаётган шахсга нисбатан қандай чоралар кўрилади?

Вояга етмаган ва ёрдамга муҳтож болаларига алимент тўлаш ҳақида-ги суднинг ҳал қилув қарорини бажаришдан бўйин товлаган шахслар ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиниши мумкин (ФПК 79-моддаси). Ундан ташқари, бундай шахсларга Ўзбекистон Республикасидан четга чиқишга таъқиқ қўйилиши ва улар жиноий жавобгарликка тортилишлари ҳам мумкин (ОК 116-моддаси).

Шу билан бирга Оила кодексининг 81-моддасига кўра ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиниши ота-онани ўз боласига таъминот бериш мажбуриятидан озод қилмайди.

### Ариза судга қандай топширилади?

Одатда, суд буйругини чиқариш тўғрисидаги ариза ёки даъво ариза почта ёки судьянинг шахсий қабули орқали судга топширилади. **2016 йил 1 январдан бошлаб фуқаролик ишлари бўйича судларга E-SUD миллий электрон судлов ахборот тизими ([www.esud.uz](http://www.esud.uz)) орқали электрон шаклда ҳам мурожаат қилиш мумкин.**

Эндилиқда, суд буйругини чиқариш тўғрисидаги ариза ёки даъво аризани, исталган вақтда ва жойдан, интернет тизими орқали, фуқаролик ишлари бўйича судларга топшириш мумкин. E-SUD миллий электрон ахборот судлов тизими ([www.esud.uz](http://www.esud.uz)) жисмоний ва юридик шахсларнинг судларга мурожаат қилиш жараёнини соддалаштириб ва тезлатиб, судларда ишларни кўриш самарадорлигини янада ошириш имкониятини яратди.

Ушбу ахборот тизими ундан рўйхатдан ўтган фойдаланувчиларга нафақат судларга электрон тарзда мурожаат қилиш, балки иш юзасидан ажримлар ва суд қарорларини ўз вақтида онлайн тарзда олишни ҳам таъминлайди.

## Вояга етмаган болаларнинг таъминот олиш ҳукуки



УЎК 347.635.3  
КБК 67.404.4

Ё 32

Х. Ёдгоров

Вояга етмаган болаларнинг таъминот олиш ҳуқуки [Матн]: қўлланма /Х. Ёдгоров, Г. Зиганшина, З. Абдуразакова/ Тошкент: BAKTRIA PRESS, 2016 -12 б.

УЎК 347.635.3  
КБК 67.404.4

Муҳаррир: У. Раджабова

Компьютерда тайёрловчи: А. Латкович

Нашриёт лицензияси AI №263 от 31.12.2014 й.

Босишига рухсат этилди 31.08.2016 й.

Бичими: 60x90 1/16. «Arial» гарнитураси.

Офсет босма усулида босилди. Босма табоги. 0,5.

Буюртма № 745

Адади 1000 нусха.

«BAKTRIA PRESS» нашриёти 100000,  
Тошкент, Буюк Ипак Йули мавзеси, 15-25  
Телефон: +998 (71) 233-23-84  
«Print Media» босмахонасида чоп этилган.

Мазкур нашр Ўзбекистон Республикаси Олий суди, АҚШ Халқаро Тараққиёт Агентлиги (USAID) ва БМТ Тарраққиёт Дастирининг “Ўзбекистонда қонун устуворлиги йўлида ҳамкорлик” қўшма лойиҳаси доирасида **бепул тарқатиш учун тайёрланган**. Нашр мазмуни бўйича масъулият муаллифларга юклатилади ва Ўзбекистон Республикаси Олий суди, АҚШ Халқаро Тараққиёт Агентлиги (USAID), АҚШ ҳукумати ёки БМТ Тарраққиёт Дастирининг расмий нуқтаи назарини акс эттириши шарт эмас.

Нашрнинг электрон нусхаси Ўзбекистон Республикаси Олий судининг [www.supcourt.uz](http://www.supcourt.uz) ва БМТ Тарраққиёт Дастирининг [www.uz.undp.org](http://www.uz.undp.org) интернет сайтида жойлаштирилган.

Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, А. Қодирий кўчаси, 1  
Телефон: +998 (71) 239-02-67

ISBN 978-9943-4569-7-6

ISBN 978-9943-4569-7-6

A standard linear barcode representing the ISBN number 978-9943-4569-7-6.

9 789943 456976